



Jizzax_ovozi@mail.ru



www.jizzaxovozi.uz

ЖИЗЗАХ ВА ЖАҲОН

JIZZAX OVOZI

ШАҲАР ҲОКИМЛИГИДА

Шаҳар ҳокими Акбар Шукров 2019 йилда бўлиб ўтадиган Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ҳамда халқ депутатлари вилоят ва шаҳар Кенгашлари депутатлари сайловларига тайёргарлик кўриш бўйича чора-тадбирлар режасини тасдиқлади.

САЙЛОВЧИЛАРНИНГ ЯГОНА ЭЛЕКТРОН РЎЙХАТИ

сиёсий жараённинг шаффофлигини таъминлаш учун хизмат қилади

Режада жорий йилнинг иккинчи ярмида ўтказиладиган сайловларга тараддуд кўришни ташкилий-ҳуқуқий жиҳатдан таъминлаш, сайлов округлари, сайлов участкалари ва сайлов комиссияларини тузиш ва уларнинг фаолиятини ташкил этиш билан боғлиқ тайёргарлик, сайловчиларнинг электрон рўйхатини шакллантириш, улардан фойдаланиш тизимини такомиллаштириш ва сайловчиларнинг рўйхатини тузиш борасидаги вазифалар, бу иш учун масъул ҳисобланадиган субъектлар белгилаб берилган.

Хар бир сайлов округи ва сайлов участкаси 2 тадан компьютер билан жиҳозланиб, интернет тармоғига уланади. Сайловчиларнинг ягона электрон рўйхати билан ишлаш учун жалб қилинадиган ходимлар иштрокида ўқув курслари ташкил қилинади. Ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиш сайлов жараёни доирасидаги саъй-ҳаракатларда етакчи ўринни эгаллайди.

Худудда сайлов округлари ва участкаларини тузиш, округ ва участка сайлов комиссиялари аъзолигига номзодларни кўрсатиш механизмни яратиш мақсадида семинарлар, ўқув машғулотлари уюштирилади. Олдинда турган сайловларнинг моҳияти ва аҳамияти, сайлов кампаниясининг босқичлари ва асосий вазифалари, овоз бериш тартибига бағишланган видеоматериаллар, теле ва радиороликлар тайёрланиб намойиш қилинади. Кенг кўламадаги ишларнинг амалга оширилиши борасида шаҳар сайлов комиссияси халқ депутатлари маҳаллий Кенгаши, Адлия бўлими, сиёсий партиялар, матбуот ва оммавий ахборот воситалари тахририятлари билан узвий ҳамкорликда иш олиб бориши лозимлигига чора-тадбирлар режасида алоҳида ургу берилган.

ЯНГИЛИКДАН ҲАММА ХАБАРДОРМИ?

Ўзбекистон Халқ демократик партияси вилоят Кенгаши томонидан ташкил этилган ўқув-семинарда бу саволга жавоб изланди.

Давлатимиз раҳбари жорий йилнинг 25 июнида "Ўзбекистон Республикасининг Сайлов кодексини тасдиқлаш тўғрисида"ги Қонунни имзолади. Мазкур Қонуннинг 4-моддасида Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясига Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ва бошқа манфаатдор ташкилотлар билан биргаликда Кодекснинг мазмун-моҳиятини фуқароларнинг барча қатламига етказишнинг ҳамда аҳоли ўртасида тушунирилишини таъминлаш вазифаси юклатилган. Бу ишнинг бажарилиши сиёсий партия томонидан қатъий назоратга олинган.

Мустақил мамлакатимизда кўппартиявийлик жараёнини бошлаб берган Ўзбекистон Халқ демократик партияси аъзолари, фаоллари ва хайрихоҳлари учун орадан ўтган 28 йил излашиш, ўрганиш даври бўлди. 2019 йилнинг якунида бўлиб ўтадиган Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси, халқ депутатлари вилоят, шаҳар ва туман Кенгашлари депутатлари сайлови қарийб ўттиз йиллик фаолиятга ҳолис баҳо беради. Бу меzonларга риоя этилишида эса миллий сайлов кодекси ҳолис кўмакчи вазифасини бажаради. Айни пайтда кенг жамоатчилик ушбу меъёрий ҳужжат би-

лан танишмоқда. Жумладан, кўп сонли сайловчилар ҳам бўлажак сайлов мулоқотларга Кодекс билан белгилаб берилган меъёрлар асосида тараддуд кўришяпти. Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгаши раисининг ўринбосари Меҳрож Дархонов сиёсий партиянинг маҳаллий Кенгашлари етакчилари, фаоллари, депутатлар гуруҳлари аъзолари ҳузурида сўзга чиқиб, олдинда турган сайловларга тизимда қўрилаётган тайёргарлик ҳақида тўхтади. Бугунги куннинг энг асосий вазифаси – битта: депутатлар корпусига номзодларни шакллантириш, улар билан ишлаш. Беш йил олдин қайд этилган натижаларни 2019 йилнинг декабрида сифат жиҳатидан яхшилаш.

Ҳеч шубҳасиз, бу саъй-ҳаракатларни давр талабига ҳам оҳанг фаолият ва кадрлар ундайди. Сўз ва иш бирлигини таъминлай олган бошланғич партия ташкилоти, маҳаллий Кенгаш раҳбарияти келгуси беш йилликнинг истиқболли вазифаларини урдалашга дадил киришади.

Бўлғуси сайловлар арафасида одамлар орасига дадил кириб бориш, уларнинг сўзларига қулоқ солиш керак. Муносабатга ижобий акс-садо албатта қайтади. Шундай экан, замонашларимиз, биринчи навбатда, сайловчилар Ўзбекистон Республикасининг Сайлов кодекси ҳақида тўлиқ тушунчага эга бўлиши, янгилик ҳақида мушоҳада қилишлари зарур.

P. TOFAEV



Лазиз МАМАТҚУЛОВ олган сурат

КОНЦЕПЦИЯ ҚАБУЛ ҚИЛИНДИ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 5 февралдаги "Ўзбекистон Республикасида 2022 йилда аҳолини рўйхатга олишни ўтказиш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида"ги Фармонида мувофиқ республикамизда 2022 йилда аҳолини рўйхатга олиш тадбирини ўтказиш белгиланди.



Халқаро тажрибага асосан аҳоли сони бўйича аниқ ва ахлит маълумотлар аҳолини рўйхатга олиш асосида олинади. Аҳолини рўйхатга олиш якунларига қараб ўтмиш ва ҳозирги давр ҳақида фикр ва мулоҳазалар юри-

тиш ҳамда келажакни прогноз қилиш мумкин бўлади. Аҳолини рўйхатга олиш — бу мамлакат аҳолисининг муайян вақтдаги "фотосурати"ни олиш имконини берувчи умумдавлт миқёсидаги кенг кўламли тадбир

бўлиб, аҳоли тўғрисидаги ишончли ахборот манбаи ҳисобланади. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 5 февралдаги "Ўзбекистон Республикасида 2022 йилда аҳолини рўйхатга олишни ўтказиш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида"ги ПФ-5655-сонли Фармонининг ижросини таъминлаш мақсадида вилоят ҳокимининг 2019 йил 11 февралдаги 63-сонли қарори қабул қилинди.

Ўзбекистон Республикасида 2022 йилда аҳолини рўйхатга олишнинг асосий мақсадлари дас-тури ижроси юзасидан вилоят ҳокимлигининг назорат режасига муво-

фиқ соҳалар бўйича комиссия таркиби ва ишчи гуруҳ аъзолари тасдиқланди.

Концепция Ўзбекистон Республикаси аҳолиси ва унинг фаровонлиги тўғрисидаги ишончли маълумот, узоқ муддатли прогнозлар ва давлатнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиш мақсадида дастурларини, янги иш ўринлари ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш дастурларини ишлаб чиқиш, барқарор ривожланиш Миллий мақсадлари индикаторларини шакллантириш, меҳнат ресурслари жойлашуви ва улардан фойдаланиш жараёнини ўрганиш, илмий тадқиқотлар олиб бориш учун муҳим пойдевор ҳисобланади.

Фармондан келиб чиқиб, қуйидаги ишлар бажарилиши ва ушбу вазифалар белгилаб берилди: - Ўзбекистон Республикасида 2022 йилда аҳолини рўйхатга олишни ўтказиш Концепцияси тасдиқланди;

(Давоми 2-саҳифада)

АСОСИЙ МАҲСУЛОТ ЭКСПОРТГА

Бугун мамлакатимизда энгил саноат тармоқлари тараққиётти янги босқичга кўтарилиди. Пахта толасини етиштириш бўйича мамлакатимиз дунёда етакчи ўринлардан бирини эгаллайди. Марказий Осиё давлатларида тайёрланган пахта толасининг 75 фоизи Ўзбекистон хиссасига тўғри келади. Республикаимизда бирламчи хомашёни қайта ишлаб, ундан сифатли ип ва трикотаж маҳсулотлар ишлаб чиқариш-да ихтисослашган корхоналар сафи ҳам ортиб бормоқда.

"ЖИЗЗАХ ТЕКСТИЛ" ХК 2010 йилда ташкил этилган. Қурилиш-монтаж ишлари тугаллангандан кейин, яъни, 2013 йилнинг сентябрь ойидан бошлаб корхонада маҳсулот ишлаб чиқарила бошланди. Мазкур корхона йилга 12 минг тонна калава ип, 4 минг тонна трикотаж мато ишлаб чиқариш қувватига эга. Ҳозирги кунда мазкур корхонада 935 нафарга яқин йигит-қизлар меҳнат қилишмоқда. Уларнинг 630 нафари коллеж битирувчиларидир.

(Давоми 2-саҳифада)

Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси вилоят бўлимининг умумий йиғилишида сўнги беш йил мобайнида амалга оширилган ишлар таҳлил этилди. Бу ҳақда бўлим раиси Эркин Шермонов ҳисоботи эшитилиб муҳокама қилинди.

Йиғилишда ижодий уюшма вилоят бўлимининг янги бошқарув ҳайъати, тафтиш комиссияси янги таркиби, Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмасининг шу йил 17-июлда ўтказиладиган навбатдаги конференциясига вакиллар сайланди.

Вилотимиз марказида фаолият кўрсатаётган Ҳамид Олимжон ва Зулфия номидаги мактаб-интернатнинг ахборот-ресурс маркази янги китоблар билан бойланди.

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси ва "IJOД" жамоат фонди кўмагида чоп этилиб Жиззахлик ёшларга совға сифатида топширилган китоблар мамлакатимизнинг таниқли ёзувчилари, ижод майдонига Зомин анжумани орқали кириб келган иқтидор соҳиблари қаламига мансуб.

КҮН НАФАСИ

"Жиззах аккумулятор заводи" акциядорлик жамияти тасарруфидagi "Energy" ёзги оромгоҳида дам олаётган ўғил-қизлар, уларнинг тарбиячилари, шунингдек, кенг жамоатчилик вакиллари учун "Ўтмишга бир назар" мавзuida маданий-маърифий тадбир ва кўргазма ташкил этилди.

Вилоят тарихи ва маданияти Давлат музейи ходимлари томонидан Шароф Рашидов туманининг Уобсой қишлоғида уюштирилган мулоқотда Жиззах вилотининг ўтмиши ҳамда бугунги куни ҳақида сўз борди. Томошабинларга Сангзор воҳасининг тарихи, мозийга мансуб осори атиқалари тўғрисида батафсил маълумот берилди.

Дилфуза САДРИДДИНОВА вилоят Халқ таълими бошқармасининг бошлиғи этиб тайинланди.

Абдубоки ҲОЗИБЕВОВ Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг Жиззах вилотидаги қабулхонаси мудирини этиб тайинланди.

Мамлакатимизда янги ташкил этилган "Yuk-salish" умуммиллий ҳаракати Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси билан ҳамкорликда "Ўзбекистонда журналистика соҳасида халқаро этика стандартларини илгари суриш" лойиҳаси доирасида ҳудудий тренингларни йўлга қўймоқда.

Самарқанд шаҳрида ташкил этилган уч кунлик мулоқотларда Жиззах ва Навоий вилотларидаги матбуот ва ОАВ вакиллари, жамоатчи мухбирлар иштирок этди. Тренинг якунларига кўра, махсус сертификат билан тақдирланганлар орасида "Жиззах овози" газетасининг фаол муаллифлари-дан бири Фотима Рўзиева ҳам бор.

Мамлакат миқёсидаги тадбирнинг якуновчи қисми сентябр ойида пойтахтимизда иш бошлаши кутуляпти.

Шароф Рашидов туманининг иқтидорли боксчиларидан тузилган жамоа халқаро тоифадаги ҳакам, таниқли болалар мураббийи Шавкат Бадалов раҳбарлигида Қашқадарё вилоятига жўнаб кетди.

Боксчиларимиз Деҳқонобод тумани ҳокими Қубоғи учун ўтказиладиган республика мусобақаларида рингга чиқишади.

2005-2006 йилларда туғилган қизлар эса республика чемпионатининг голиб ва совриндорлари номини Сурхондарё вилоти марказида аниқлаб олишади. Термиз шаҳрида вилотимиз шаарафини мураббий Абдумалик Аллаёровнинг шогирдлари ҳимоя қилишяпти.

ҚАРИСИ БОР УЙНИНГ ФАЙЗИ БОР

Шаҳримиздаги "Қас-соблик" маҳалла фуқаролар йиғинида вилоят пенсионерлар жамияти аъзоси бўлишни истовчилар сони кўпаймоқда.

Деда вилоят пенсионерлар жамияти раисининг биринчи ўринбосари Эргаш Ўринов. -Энг муҳими, жамият аъзоси бўлишни истовчилар сони кўпаймоқда.

Жамият раҳбарияти пенсия ёшидаги жўдошларимизни халқ ҳўжалигининг турли тармоқларида фойдали меҳнат билан банд қилиш, уларнинг аҳволидан доимо хабар олиб туриш, келажак эгаларини воғга етказишда пире бадавлат инсонларнинг ҳаётий тажрибаси, бетакрор билимидан фойдаланиш ҳақида қайғурмоқда. Хайрли ишларнинг урдаланиши борасида Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш масалалари бўйича вилоят Кенгаши, Ўзбе-



кистон фахрийларининг ижтимоий фаолиятини қўллаб-қувватлаш "Нуроний" жамғармаси вилоят бўлими, Ўзбекистон Ёшлар иттифоқи вилоят Кенгаши, маданият, жисмоний тарбия ва спорт, соғлиқни сақлаш, ўрта махсус, касб-хунар таълими бошқармалари, "Оила" илмий-амалий тадқиқот маркази билан ҳамкорликда ишлаш бўйича меморандумлар имзоланиши режалаштириляпти.

ришни давом эттиряпти. Ушбу мақсад маҳаллий шарт-шароитлар ҳисобга олиниб тайёрланган иккита лойиҳада ўз аксини топган. Келгусида олинадиган грант маблағлари нуронийларни ички туризмга жалб этиш учун йўналтириб борилади. Амалга оширилган ишлар ҳар чорак якунида сарҳисоб этилади.

Раҳматулла ИЮНУСОВ

Бугунги сонда

ҚАРАМЛИКДАН ДИЛБАНДЛАРИМИЗНИ АСРАЙЛИК

КОРРУПЦИЯГА ЙЎЛ ЙЎҚ

ҚОН БОСИМИ НЕГА ОШАДИ?

ТЕСТ ЖАРАЁНИГА ТАЙЁРМИСИЗ?

